

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ОМИЛЛАРИ ТАРКИБИ ВА МИҚДОРИЙ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

Сардорбек Сиддиқ ўғли АХАДОВ

таянч докторант

Тошкент давлат иқтисодийёт университети

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: Sardorbekaxadov@mail.ru

Аннотация

Мақолада иқтисодий ўсишнинг институционал омиллари ва гуруҳлари таркиби таҳлил қилинган. Институционал омилларнинг инклюзив иқтисодий ўсишга таъсири ҳамда уларни миқдорий ўлчаш ва баҳолаш индекслари асосланган.

Таянч сўзлар: инклюзив иқтисодий ўсиш, институционал омиллар, ахборот очиклиги, индикаторлар, ўлчаш индекслари.

СОСТАВ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫХ ФАКТОРОВ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА И МЕТОДЫ КОЛИЧЕСТВЕННОЙ ОЦЕНКИ

Сардорбек Сиддиқ углы АХАДОВ

базовый докторант

Ташкентский государственный экономический университет

Ташкент, Узбекистан

e-mail: Sardorbekaxadov@mail.ru

Аннотация

В статье проанализированы институциональные факторы экономического роста и структуры их группы. Обоснованы влияние институциональных факторов на инклюзивный экономический рост, а также их на количественное измерение и оценки индексов.

Ключевые слова: инклюзивный экономический рост, институциональные факторы, открытость информации, индикаторы, индексы измерения.

Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг асосий мақсадларидан бири кенг инклюзив иқтисодий ўсиш суръатларига эришишни таъминлашга қаратилган узок муддатли барқарор ривожланишни рағбатлантириш ҳисобланади [1]. Шунинг учун бугунги кунда, мамлакатнинг барқарор ривожланиши билан иқтисодий ўсиш ўртасидаги иқтисодий алоқа мавжудлигини топишга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Шуларни ҳисобга олганда, иқтисодий ўсишга таъсир этувчи меҳнат ресурслари, инвестициялар, табиий ресурслар ва улар миқдори ва сифати билан бир қаторда институционал омилларни ҳисобга олиш зарур. Улар ушбу омиллар билан ўзаро боғлиқликда иқтисодий ўсишни барқарорлаштиришга олиб келади.

Ҳозирги тадқиқотчилар ўз ишларида ушбу масалаларни иқтисодий-математик моделларда институционал омилларни иқтисодий ўсиш суръатига таъсирини кузатиш имконияти мавжудлигидан келиб чиқишади. Бунда муҳит методологик муаммоларига дуч келинади, улардан бири – институционал омилларни миқдорий жиҳатдан баҳолаш муаммосидир. Шу нуқтаи назардан, иқтисодий ўсишга таъсир этувчи миқдорий баҳолаш мумкин бўлган институционал омиллар тоифасига кирувчи кўрсаткичларни ўрганиш лозим.

Илмий манбаларда ҳозиргача маълум бир мамлакатнинг институтлари сифатини амалда мавжуд қайси кўрсаткичлар тўплами аниқ ва мутаносиб акс эттириши ҳақида ягона фикр мавжуд эмас.

Иқтисодий ўсишга таъсир қилувчи институционал муҳитнинг аниқ бир кўрсаткичини танлаш мураккаб жараён ҳисобланади ва бу тадқиқотларда иқтисодиёт фаолият кўрсатишининг институционал омиллари тизимининг таъсирини ўрганишни назарда тутаяди. Бундай тизимни тузиш зарурлиги «институционал омил» ва «институционал муҳит кўрсаткичи» каби тушунчаларни алоҳида кўриб чиқиш талабини қўяди.

Иқтисодий ўсиш суръатларига сезиларли даражада таъсир кўрсатувчи, аммо уларни миқдорий баҳолаш қийин бўлган бир қатор бошқа омиллар мавжуд. Шу тоифага кирувчи омилларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини америкалик олим Э.Денисон қонунчилик-институционал омиллар қаторига киритган ва уларнинг реал ЯИМ ўсиш суръатига қўшган ҳиссасини 9 фоизга тенг деб баҳолаган. Шунини ҳисобга олганда институционал омилларни иқтисодий ўсишга таъсирини математик моделларда ўзгарувчи омил сифатида ҳисобга олиш усулини ишлаб чиқиш муҳим тадқиқот иши ҳисобланади.

Институционал омиллар таҳлили ва уларни баҳолаш муаммоларига кўплаб хорижий ва мамлакатимиз олимларининг илмий ишлари бағишланган. Ҳозирги замон институционал иқтисодиёти ривожланиши ва унинг омиллари Д.Норт [6], Р.Коуз [5], Т.Эггертсон [8] ва бошқалар тадқиқотларида кенг ўрин олган.

Мамлакатимизда Х.П.Абилқосимов [2], Р.Х.Тошматов [7] ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида бизнес-тузилмалар, давлат бошқаруви, трансакциялар, шартномалар, мулкчилик институти омиллари билан боғлиқ масалалар ёритилган.

Таҳлил қилинган илмий ишларда янги институтлар ҳамда институционал муҳит шаклланиши, бугунги кунда институционал омиллар моделларини ишлаб чиқиш йўналишлари етарлича ўрганилмаган. Шуларни инобатга олиб, биз институционал назария асосчилари тадқиқотларига таянган ҳолда янги Ўзбекистон стратегиясида институционал омиллар таркибини таҳлил қилиш, уларни баҳолашнинг концептуал қоидаларини тақлиф қилишга ҳаракат қилдик.

Иқтисодиёт маълум бир институтлар ва институционал омиллар, улар нормалари доирасида фаолият юритади. Улар иқтисодий ўсишга, мамлакат ривожига таъсир кўрсатади. Институционал омиллар вақт ўтиши билан ўзгаради ва тараққиётга тўсиқ бўлиб қолади. Шуларни ҳисобга олганда, институционал омиллар ва уларнинг нормаларини такомиллаштириш ва миқдорий баҳолаш инклюзив иқтисодий ўсишни барқарорлаштириш усул ва ёндашувлари тадқиқот методологияси ҳисобланади.

Иқтисодиёт фаолият кўрсатишининг институционал омиллари деганда, институционал муҳитни шакллантириш жараёнига узлуксиз таъсир кўрсатувчи узвий ижтимоий тизим тушунилади. Иқтисодиёт фаолият кўрсатишининг институционал омиллари жумласига қуйидагилар киради: давлат аппарати, бизнес-тузилмалар, фуқаролик жамияти, демократия, суд тизими, коррупция ва жамиятда ахборотнинг очиқлиги (1-расм).

Юқорида санаб ўтилган барча институционал омилларнинг бир-бири

билан узвий боғлиқлиги уларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини таҳлил қилишда қўшимча методологик мураккабликларни келтириб чиқаради. Албатта, муайян омилнинг таъсирини баҳолашга ҳар қандай уриниш уни бошқа омиллар таъсиридан халос этишнинг мураккаблиги билан боғлиқ бўлади.

Бирок, юқорида баён этилган муаммоларга қарамай, институционал омилларни ўлчовчи миқдорий кўрсаткичларни кўриб чиқиш айрим амалий маънога эга. Гап шундаки, «институционал омил кўрсаткичи–иқтисодиётнинг фаолият юритиши кўрсаткичи» ўзаро боғлиқликни таҳлил қилишда биринчи кўрсаткичнинг қиймати омилнинг ўз «соф» қийматидан ташқари тизимнинг бошқа ўзгарувчиларига боғлиқлигини акс эттиради, яъни айтиш мумкинки, бир омилни баҳолаш орқали бутун тизим ўлчанади.

Давлат аппарати биринчи институционал омил ҳисобланиб, у янги институционал иқтисодий ўсиш нуқтаи назаридан ҳаракатлари ижтимоий танловни амалга ошириш жараёнида ўзининг музокара кучини сақлаб туриш ва оширишга йўналтирилган раҳбар иттифоқи сифатида тушунилади.

Ушбу омилни Worldwide Governance Indicators [9] индекслар туркумига кирувчи давлат бошқаруви органлари самарадорлигининг индикатори (Government Effectiveness) ёрдамида ўлчаш мумкин. Мазкур кўрсаткич давлат томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати ва унинг сиёсий босимдан холилик даражаси, сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифатининг ҳис этилишини, ушбу дастурларнинг бажарилиши юзасидан ҳукумат мажбуриятларига ишонишни акс эттиради.



1-расм. Иқтисодиёт фаолият юртишининг институционал омиллари ва уларнинг тавсифи.

Американининг Heritage Foundation [10] институти томонидан ишлаб чиқилган ишбилармонлик фаоллиги эркинлиги индексини (Business Freedom)

кўллаш ҳам мазкур вазифани бажариш имконини беради. Ушбу индекс иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш самарадорлиги сингари тартибга солишнинг умумий юкини акс эттирувчи бизнесни ташкил этиш, унинг фаолият кўрсатиши ва бизнесни тўхтатиш имкониятларининг миқдорий ўлчови ҳисобланади. Шу билан бир вақтда 189 та мамлакат бўйича тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш шартлари тўғрисидаги рейтинг индекслари Жаҳон банки ходимлари таҳлили асосида “Бизнес юритиш” (Doing Business) журнали ахборотларида акс эттирилади. Ушбу журнал тадқиқотларида Ўзбекистон 2011-2022 йиллар давомида бизнес юритишнинг 3 ва ундан ортиқ йўналишларида энг юқори ютуқларга эришган [15].

Бизнес-тузилмаларни биз иқтисодиётнинг хусусий секторида шаклланган, асосий мақсади ижтимоий танловни амалга ошириш жараёнидан иборат бўлган ишлаб чиқарувчилар бирлашмаси сифатида тушунамиз. Ушбу омилни қайсидир маънода Worldwide Governance Indicators индекслари туркумига кирувчи [9], ҳукуматнинг тўғри иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда тартибга солиш имкониятларининг ҳис этилишини акс эттирувчи қонун йўли билан тартибга солиш сифатининг индикатори (Regulatory Quality) ёрдамида баҳолаш мумкин.

Фуқаролик жамияти деб уй хўжаликлари секторида шаклланган индивидлар ва оилалар бирлашмаларини тушунамиз. Мамлакатда фуқаролик жамиятининг ривожланиш даражасини суд тизимининг мустақилиги, ўз фикрини ифодалаш, йиғилишлар, уюшмалар тузиш, таълим, дин, иқтисодий фаолиятнинг эркинлиги каби таркибий қисмлардан иборат бўлган Freedom House туркумининг фуқаролик эркинликлари индикатори (Civil Liberties) ёрдамида ўлчаш мумкин [11].

Мазкур вазифа ҳам The CIVICUS компаниясининг 50 та мамлакат бўйича ҳисоблаб чиқиладиган фуқаролик жамияти индекси (Civil Society Index)дан [12] фойдаланган ҳолда бажарилади. Индексни ҳисоблаш методологияси фуқаролик жамиятининг ҳолатини, фуқаролик жамиятининг таркиби, фуқаролик жамияти мавжуд бўладиган ва фаолият кўрсатадиган

ташқи муҳит, фуқаролик жамиятининг аъзолари томонидан қабул қилинадиган кадриятлар ва фуқаролик жамияти аъзолари ҳаракатларининг самарадорлиги каби кўрсаткичлар асосида баҳолашни назарда тутди.

Навбатдаги кўриб чиқиладиган институционал омил – бу мамлакатда демократия даражаси. Жамиятда демократия даражасини бир неча индикатор билан баҳолаш мумкин. Ана шундай индикаторлардан биринчиси – Worldwide Governance Indicators [9] туркумига кирувчи фуқаролик ҳуқуқлари ва давлат органларининг ҳисобдорлиги индикатори бўлиб, у фуқаролар унда ҳокимият органларини сайлашда иштирок этиши даражаси ҳамда ўз фикрини ифодалаш, уюшмалар тузиш эркинлиги ва оммавий ахборот воситалари эркинлигининг ҳис этилишини акс эттиради.

Freedom House [11] туркумига кирувчи, сайловлар эркинлиги даражаси ва сиёсий рақобат даражаси каби параметрларни ҳисобга олувчи сиёсий ҳуқуқлар ва фуқаролик эркинликлари индикатори (Political Rights) ҳам демократия даражасини баҳолаш имконини берувчи яна бир кўрсаткич ҳисобланади.

Суд тизимининг фаолият кўрсатиши, хусусан унинг судьяларининг мустақиллиги ва чуқур билимга эгаллиги каби хусусиятлари навбатдаги омил ҳисобланади. Суд тизимининг ривожланиш даражасини Worldwide Governance Indicators [9] индекслари туркумига кирувчи, жамиятдаги мавжуд қоидаларга ишониш даражасининг қабул қилинишини ва жамият аъзолари томонидан қонунларга риоя қилинишини акс эттирувчи, хусусан шартномалар ахборот сигментини, мулк ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини, эҳтимолини баҳоловчи қонун устуворлиги индикатори (Rule of Law) ёрдамида қисман ўлчаш мумкин.

Мазкур омилни International Country Risk Guide моделининг қонунийлик ва ҳуқуқий тартиб индекси (Law and Order) билан ҳам ўлчаш мумкин. Ушбу индекс ҳар бири алоҳида баҳоланадиган иккита кичик таркибий қисмдан иборат. Биринчи кичик таркибий қисм (қонунийлик) суд тизимининг кучини ва бетарафлигини (холислигини), иккинчи кичик таркибий қисм

(хукукий тартиб) эса жамият томонидан қонунларга риоя қилиниши даражасини баҳолайди.

Навбатдаги институционал омил – коррупция даражаси. Коррупция фуқаролар билан амалдорлар ўртасидаги ахборот асимметриясининг юқори даражаси туфайли юзага келадиган амалдорлар ноқонуний хатти-харакатининг бир турини ўзида намоён этади [3].

Transparency International (Transparency International's Corruption Perceptions Index) [13] халқаро мустақил тадқиқот ташкилотининг маҳсули ҳисобланган коррупцияни қабул қилиш индекси коррупция даражасини тавсифловчи энг кенг қўлланиладиган кўрсаткич ҳисобланади. Индекс мустақил нуфузли ташкилотлар томонидан ўтказиладиган турли баҳолашлар ва бизнес-сўровларни бирлаштиради. У коррупциянинг маъмурий ва сиёсий жихатлари ҳақидаги ахборот тақдим этади. Индексни ҳисоблаш учун фойдаланилган баҳолашлар ва сўровлар амалдорлар ўртасидаги порахўрликка, давлат харидлари чоғидаги кўзбўямачиликларга, давлат маблағларининг сарфлаб юборилишига ҳамда коррупцияга қарши курашиш борасидаги ҳукумат саъй-ҳаракатларининг самарадорлигини баҳолашга тааллуқли масалаларни ўз ичига олади.

Коррупция даражасини Worldwide Governance Indicators [9] индекслари туркумига кирувчи, ҳокимиятдан шахсий манфаатда фойдаланиш даражаси (шу жумладан, майда ва йирик қўламлардаги коррупция) ҳамда давлатнинг бизнес-сектор томонидан “эгаллаб олиниши” даражасининг қабул қилинишини акс эттирувчи коррупцияга қарши назорат қилиш индикатори (Control of Corruption)ни қўллаган ҳолда ҳам баҳолаш мумкин.

Яна бир омил – бу ахборотнинг очиқлиги ва жамиятда юз бераётган жараёнларнинг ошқоралиги. Мазкур омилни маълум даражада International Country Risk Guide [14] моделининг давлатнинг аҳоли олдидаги жавобгарлиги даражасини ўлчовчи индекси (Democratic Accountability)дан фойдаланган ҳолда баҳолаш мумкин. Иқтисодий ўсишнинг институционал омилларини баҳолаш имкониятлари алоҳида омиллар ўртасида нотенг

тақсимланган: халқаро тадқиқотлар ва бир турдаги ўзгарувчиларга турли баҳоларни беради, айти пайтда бошқа ўзгарувчилар четда қолади; шунинг учун бизнес-тузилма, фуқаролик жамияти ва жамиятда ахборотнинг очиклиги каби омилларни баҳолаш энг катта қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шу билан бир вақтда, иқтисодий ўсишнинг институционал омиллари тизими мамлакатимизда Ўзбекистоннинг янгиланган Конституцияси, Президент ҳамда ҳукумат порталлари, ОАВ ва ахборот базалари маълумотларидан фойдаланган ҳолда энг тўлиқ баҳоланади. Ушбу моделлар таркибий қисмлари бир йўла бир неча омилларни ўлчаш учун фойдаланилиши мумкин. Шунинг учун бизнинг назаримизда, айнан мазкур туркумлар индексларидан институционал омиллар тизимига инкор этилмайдиغان ва тўлиқ баҳо бериш учун фойдаланиш зарур.

Шу нуқтаи назардан иқтисодий ўсишга таъсир этувчи миқдорий баҳолаш мумкин бўлган институционал омиллар тоифасига кирувчи кўрсаткичларни ўрганиш лозим. Уларни ўрганишда қуйидаги усулларни қўллаш мумкин.

1. Эконометрик моделларни

$$y = a_0 + \sum_{t=1}^k b_t x_t + \sum_{i=k+1}^t c_i z_i$$

ёки:

$$y = a_0 + \sum_{t=k+1}^t c_i z_i$$

бу ерда: a_0 , b_i , c_i – модел параметлар, x_i – ишлаб чиқариш ресурслари, z_i – институционал омиллар, y – ЯИМ ҳажми.

2. Рейтинг индексларини баҳолаш усули:

$$X_{ij} = A_{ij} \div (\max A_{ij});$$

$$R_i = \sqrt{(1 - X_{ij})^2 \dots (1 - X_{nj})^2},$$

бу ерда: A – институционал омиллар параметлари, X_{ij} – стандартлаштирилган кўрсаткич; R – рейтинг индекслари. Шу билан бир вақтда АҚШ, Буюк Британия ва бошқа жаҳон мамлакатлари амалиётида институционал омиллар рейтинги индекслари орқали баҳолаш усуллари кенг қўлланилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги хулоса ва таклифлар илгари сурилади:

1. Барқарор иқтисодий ривожланиш институтлар ва институционал муҳитни ташкил этувчи унинг омилларига боғлиқ. Иқтисодий ўсишни миқдорий баҳолаш учун бундай омилларни миқдорий баҳолаш ва улар таркибини доимо такомиллаштириш зарур.

2. Иқтисодий ўсишга давлат аппарати, тадбиркорлик тузилмалари, фуқаролик жамияти, демократия, суд тизими, коррупция ва жамиятда ахборот очиқлиги каби омиллар киради. Ушбу омиллар кенг миқёсида институционал муҳит шаклланишига ва янги қоидалар пайдо бўлишига олиб келади.

3. Давлат аппарати биринчи институционал омил сифатида қарорлар қабул қилиш тартибини аниқлайди ва давлат таркиби поғонасини белгилайди. Бу ушбу омиллар ичида бош ўринга эгаликни кўрсатади ва инклюзив иқтисодий ўсишни рағбатлантиради.

4. Институционал муҳит ва унинг омиллари такомиллашуви иқтисодиёт субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни соддалаштиради ва улар даромади (фойда) даражасини ошишига олиб келади, трансакция харажатларини камайтиради.

5. Инклюзив институт омиллари сифатида инсон капитали, инновациялар ва янги технологиялар иқтисодий ўсишни ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлайди.

6. Ўзбекистонда 2022 йилда ишлаб чиқарилган 888,3 триллион сўм ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 4,5 фоизи ёки 40,0 триллион сўми институционал омиллар ҳисобига олинган. Прогнозларга кўра, 2023–2030 йилларда ушбу кўрсаткич 4,5 фоиздан 9,0 фоизгача бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрь ПФ-158-сонли Фармони. Lex.uz

2. Беркинов Б.Б., Абилқосимов Х.П. ва бошқалар. Институционал иқтисодиёт: дарслик. – Тошкент, 2020. – 430 б.
3. Григорьев Л. Коррупция как препятствие модернизации [электронный ресурс] / Л.Григорьев, М.Овчинников. - Электрон.ст. - [Россия], 19.02.2008. - URL: <http://www.finanal.ru/002/korruptsiya-kak-prepyatstvie-modernizatsii>.
4. Кэмпбелл Р., Маккониелл С., Л.Брю. Экономикс: принципы, проблемы и политика. – Таллин, 2013.
5. Коуз Р. Фирма, рынок и право. – Москва: Дело, 1993.
6. Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. – Москва: Фонд экономической книги “Начало”, 1997.
7. Ташматов Р.Х. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг институционал механизмларини такомиллаштириш: иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, – 2023. – 80 б.
8. Эггертсон Т. Экономическое поведение и институты. – Москва: Дело, 2001.
9. The Worldwide Governance Indicators (WGI) project [Electronic resource] / The World Bank Group. - Electronic Data. - Washington, DC, cop. 2011. - URL: <http://info.worldbank.org/governance/wgi/index.asp>, free. - Title of screen. - Lang. eng. - (Usage date: 01.11.2011).
10. The Heritage Foundation: Leadership for America [Electronic resource] / The Heritage Foundation. - Electronic Data. - Washington, DC, cop. 2011. - URL: <http://www.heritage.org/>, free. - Title of screen. - Lang. eng. - (Usage date: 01.11.2011).
11. Freedom House: advancing freedom for 70 years [Electronic resource] / Freedom House, Inc. - Electronic Data. - Washington, DC, [cop. 2011?]. - URL: <http://www.freedomhouse.org/template.cfm?page=1>, free. - Title of screen. - Lang. eng. - (Usage date: 16.11.2011).

12. CIVICUS CIVIL SOCIETY INDEX: assessing and strengthening civil society worldwide [Electronic resource] / Civicus society index. - Electronic Data.[USA],cop. 2009.

13. Transparency International: the global coalition against corruption [Electronic resource] / Transparency International e. V. - Electronic Data. - Berlin, [cop. 2011?]. - URL: <http://www.transparency.org/>, free. - Title of screen. - Lang. eng. - (Usage date: 16.11.2011).

14. International Country Risk Guide (ICRG) [Electronic resource] / The PRS Group, Inc. - Electronic Data. - East Syracuse, NY, cop. 2011. - URL: <http://www.prsgroup.com/ICRG.aspx>, free. - Title of screen. - Lang. eng. - (Usage date: 01.11.2011).

15. www.worldbank.org. Всемирный банк. 2013. «Ведение бизнеса 2014». Вашингтон. Группа Всемирного банка. Понимание регулирования деятельности малых и средних предприятий.